

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЯНГИ ЗАМОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

нафақат сифат ва самарадорлик, балки экологик хавфсизлик кафолати ҳамдир

Чирчикдаги ўзбек-испан қўшма корхонаси "МАХАМ-CHIRCHIQ" акциядорлик жамиятида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун медиа-тур ташкил этилди. Маълумки, мазкур корхона мамлакатимиздаги кимёвий

маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган энг йирик қўшма корхоналардан биридир. Корхона

на цехларида ишлаб чиқарилаётган 40 турдан зиёдроқ маҳсулот узоқ ва яқин 25 та

хорижий давлатга экспорт қилинмоқда, улар сифати ва дунё стандартларига



мослиги билан жуда хадидордир.

Сўнги йилларда корхонада атроф-муҳитга чиқадиган заҳарли чиқиндиларни камайитириш борасида анча ишлар бажарилди. Корхона цехлари энг сўнги русумдаги тозаловчи техника воситалари, махсус газ анализаторлари билан жиҳозланди. Ўз вақтида эколог мутахассислар тозалаш иншоотларини босқичма-босқич текширувдан ўтказиб туришади.

Мақсадимиз – атроф-муҳитни зарарлантirmay, газ, электр энергияси ва сувни иқтисод қилишга эришишдир, – дейди корхона матбуот хизмати раҳбари Икром

Курбоналиев. – Шу кунларда испаниялик ҳамкорларимиз билан "Тоза ривожланиш механизми" лойиҳаси бўйича қатор ишларни амалга ошираямиз. Жорий йилда аммиак ишлаб чиқарувчи цехимизнинг қувватини икки баробар оширамиз. Албатта, бу борада ташқи муҳитга иложи борича камроқ чиқинди чиқариш чораларини кўрмоқдамиз.

Журналистлар корхона цехларини тўлиқ айланиб чиқишди, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб оlishди.

Ўз мухбиримиз
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 14-15 апрель кунлари давлат ташир-фи билан мамлакатимизда бўлди.



Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунларидан Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Қозоғистон билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатларни ривожлантириш йўлидан борди. Халқларимиз нафақат яқин қўшни, балки қардош сифатида кўп қиррали ҳамкорлиқнинг барча масалалари бўйича азалдан бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаб келган. Ўтган йиллар давомида бу алоқалар янада мустаҳкамланди, мамлакатларимиз яхши қўшни ва ўзаро манфаатли ҳамкор сифатида тараққиёт йўлидан елкама-елка бормоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташир-фи мамлакатларимиз муносабатлари ривожидати тарихий даврни бошлаб берди. Ўша йили 16-17 сентябрь кунлари Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти Нурсултон Назарбаевнинг мамлакатимизга давлат ташир-фи олий даражадаги мулоқотларнинг изчил давоми бўлди.

Ўтган қисқа вақтда икки томонлама алоқаларда илгари кузатилмаган юқори натижаларга эришилди. Икки давлат раҳбарларининг мунтазам учрашув ва мулоқотлари мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг мазкур давлат ташир-фи мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришда навбатдаги қадам сифатида икки то-

мон учун бирдек манфаатлидир.

Президентлар минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар юзасидан фикр алмашди. Жумладан, икки ва кўп томонлама тузилмалар доирасида халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний муомаласи бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция ва халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича биргаликда чоралар кўришга келишиб олинди.

Олий даражадаги музокарада қўшма давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Бугунги кунда юртимизда Қозоғистон капитали иштирокидаги 336 та корхона ва 16 та компания ваколатхонаси, Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 199 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан савдо, транспорт-логистика ва бошқа хизматлар кўрсатилиб, қурилиш материаллари ҳамда кенг турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Давоми 3-бетда

Маҳалла раиси эртага ким бўлади?

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови юртимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараён саналади. Мазкур воқелик мамлакатимизда шакллланган демократик сайлов тизимининг узвий қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади. Айни пайтда маҳалла раислари сайловига тайёргарлик қизғин кетмоқда. Хусусан, вилоятимизнинг Оқўрғон туманида ҳам сайловни бекаму кўст ўтказиш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда.

ЭНДИ МУНОСИБЛАР САЙЛАНАДИ

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги "Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида 2019 йил 28 февраль куни Халқ депутатлари Оқўрғон тумани кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори тасдиқланди, – дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Оқўрғон тумани кенгаши раиси ўринбосари Адҳамшер Йўлдошев. – Шу қарорлар йўлдан келиб чиқиб, сайловга қўмақлашувчи туман комиссияси тузилди ва маҳаллалар кенгаши биносидида штаб ташкил этилди. "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, ишчи гуруҳ томонидан туманимиздаги 29 та маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳар бирига ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга фуқаролардан 4 нафари номзод сифатида танлаб олинди.

Ҳозирда сайлов жараёна-рига бириктирилган мутасаддилар уйма-уй юриб, аҳолининг фикр-мулоҳазаларини ва таклифларини ўрганмоқда. Сайлов варақалари, баннерлар тайёрланмоқда. Хуллас, жараён қизғин, вазифалар кўп.

– Сир эмас, олдинги амалиётда маҳалла раисини фу-

қароларнинг ниҳоятда чеklangан вақиллари сайлашарди, – дейди "Кўрғонча" маҳалла фуқаролар йиғини сайлов ишчи гуруҳи аъзоси Ўбайдулла Вақсов. – Бундан сайловчилар номидан атиги 50-60 нафар вақил овоз берарди, холос. Эндиги сайловларда фуқаролар вақиллари ҳар бир ҳудуднинг аҳолиси сонидан келиб чиқиб, белгиланади. Яъни, вақилларнинг сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида 12 фоизини ташкил қилиши зарур. Масалан, маҳаллада тахминан 3 мингга сайловчи бўлса, улар номидан 360 нафар сайловчи иштирок этади. Бу, ўз навбатида, маҳалла раислигига таниш-билишчилик йўли билан сайланишнинг олдини олади.

Дарҳақиқат, авваллари маҳалла раислари фақат маҳалла фаоллари орқали сайланарди. Бу кўпчилиқнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлар эди. Ҳатто, ўша кезларда анчайин нолайик кимсалар ҳам маҳаллага раис бўлиб олганлари аччиқ ҳақиқат. Энди бундай адолатсизликларга барҳам берилди.

Дарвоқе, эндиликда маҳалла раисларининг ойлик маошлари бир ярим баробарга оширилади. Бу ҳам маҳалла раиси лавозимига қизиқшни ортиради. Шу боис, аҳолидан сайловларда энг муносиб номзодни сайлаш талаб этилади. Зеро, маҳалланинг эртанги фаровон ҳаёти фуқаролар ўз хоҳиш-иродаси билан сайлаган оқсоқолга боғлиқ.

Ўз мухбиримиз

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

САДОҚАТ ВА СОБИТҚАДАМЛИК ҚАСАМЎДИ

Чирчиқ ҳарбий гарнизонига қарашли ҳарбий қисмлар ва Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртига келган муқаддас ҳарбий хизматчилар қасамёд қабул қилишди. Кечагина ота-онасининг бағрида юрган, бугун эса аскар либосида, қўлида қурол билан шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишга киришган ўғлонларнинг нигоҳларида ўзгача жиддийлик, масъулият.

Маросимга аскарларни қўллаш учун давлат ва жамоат ташкилотлари вақиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари ва ота-оналар ташир-фи буюришди. Шунингдек, ёшларни ҳарбий хизматга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида Чирчиқ шаҳридан икки мингга яқин ёшлар жалб этилди.

Тадбирда Чирчиқ олий

танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртининг курсантлари "Фахрий қоровул" ва "Қўл жангги" кўргазмалари чиқишларини намойиш этишди ҳамда Мудофаа вазирлигининг ҳарбий оркестри, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари тайёрлаган куй-қўшиқлар янгради.

– Қуролли Кучларимиз



Туйғу

Эсимни таниганимдан буён китоб менга жуда сеҳрли таъсир ўтказишини ҳис қилганман.



сафиди халқимиз учун хизмат қилиш катта масъулиятдир, – дейди оддий аскар Бекзод Олимжонов. – Бугун ҳарбий қасамёд қабул қилар эканман, қалбимда чексиз ҳаёжон туйдим. Сабаби, Ватанимни ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишга ваъда бердим. Ваъдага вафо эса марднинг иши.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ўринбосари генерал-майор Азизбек Икрамов сўзга чиқди.

Шоҳишта ОРТИҚОВА

Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

КИТОБГА ЗОР БОЛАЛИК

Китобдаги саф-саф тизилган ҳарфларни катталар мукка тушиб мутулаа этиши; уйимиздаги удум бўйича, кечкурун чироқ атрофида тўпланиб китобхонлик қилиш; халқ дostonларини жамоат жамлигида қироат билан ўқиш – мени мудом ҳайратга солган. Қоғоздаги аллақандай қатор-қатор белгилар сўзга, ёхуд қироатга кўчиб жаранглаши, одамларга, воқеаларга айланиши

менга жуда ғайритабиий туюлган. Китобни шариллатиб ўқийдиган одамларга сеҳргарга қарагандай ҳавас билан қараганман. Ичимдан зимиллаб кўтарилган чидаб бўлмас бир бетоқатлик мени китоб ўқишга, уларда ҳикоя қилинадиган – кўрмаганим дунёларни кўришга, англашга тинмай чорлаган. Хали ҳарфларни билмасам-да, ҳеч ким йўғида, китобларни олиб варақларканман,



менга сирини очгиси келмаётган нотаниш ҳарфларга соатлаб тикилганман.

2

4

Бўка туманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Зайнилобиддин Низомиддинов раислигида, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида махсус йиғилиш бўлиб ўтди.

Администрация раҳбари йиғилишдан аввал туман солиқ инспекцияси раҳбари секторига бориб, "Бўстон" маҳалласида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Шу ернинг ўзига

туман бўйлаб бешта ташаббусни қисқа муддатда, сифатли амалга ошириш бўйича таклиф қилинаётган лойиҳаларни таҳлилий жиҳатдан кўриб чиқди. Туман марказий маданият уйининг

мажлислар залидаги йиғилишда ўртага ташланган фикрлар, жараён бошида турган масъулларнинг муносабат ва мулоҳазалари билан кўйида танишишингиз мумкин.

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ, Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари:

– Айни пайтга қадар Бўка туманидаги 2 та секторда ишлар жадал кетаяпти. Дастлаб 3,5 мингдан зиёд маҳаллий аҳоли иштирокида катта тадбир ўтказиб, кенг жамоатчилик эътиборини бешта ташаббуснинг моҳиятини тушуниришга қаратдик. Мазкур тадбир доирасида ҳар куни мактабларда ўтказилаётган турли тарғибот дастурларимизда ташаббуснинг асл мақсади ифодаланган тарқатма материалларни ўқувчиларга етказаямиз.

Ниятимиз – улар орқали аҳолига бўлаётган ишларнинг пировард мақсад-моҳиятини қисқа фурсатларда етказиш. Жойларда ҳар куни концерт ва тарғибот тадбирлари давом этмокда. Маҳаллаларга кинопрокат тизими кириб келди. Мавжуд 49 та мактабнинг барчасида "Санъат гунчалари" тўғраги ташкил этилмокда. Умуман, бешта йўналишда ҳам фаол ишляпмиз. Бу ишларни бажаришда, молиялаштиришда "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Ёшлар – келажгимиз" сингари Давлат дастурлари доирасида кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилмокда.

Фарҳод МАҲМУДОВ, Президент маслаҳатчиси ўринбосари:

– Бўкага дастлаб келганимда, жойлардаги аҳолини кўриб, бошланган ишлар – бешта ташаббусни амалга ошириш халқимиз учун нақадар муҳим ҳаётий эҳтиёж эканига амин бўлдим. Биз, аввало, янги иш ўринлари ташкил этишга катта эътибор бераямиз. Ҳозирча фақатгина маданият соҳасида 120 та янги иш ўрни яратилди.

Қурилаётган объектларга фақат муҳандис олиб келинди, қолган барча ишларга маҳаллий аҳолини жалб қиламиз. Демак, уларда даромад топиш имкони ҳам пайдо бўлапти. Демак, аҳоли вакиллари ҳам ошад ва асосан Бўка қиёфасини яратишга астойдил бел боғлашган.

Ўрганиш жараёнида бир муаммога дуч келинди. Яъни, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчиларининг ойлиги оширилмаган экан. Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ойлиги ошган, мусиқа ва санъат мактаби устозлариники эса шундайлигича қолган. Ўртада катта фарқ пайдо бўлган. Жуда кўп ўқитувчилар бошқа соҳаларга кетиб қолаётгани сабабли кадрлар етишмовчилиги юзга келган. Тўғрақ раҳбарларининг ойлиги ҳам шу аҳволда экан. Ваҳоланки, бу орада умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ойлиги икки-уч маротаба оширилди. Бу масала ҳам ўрганилиб, зарур чоралар кўрилиши керак.

Шунингдек, туман ҳокимлиги ҳам маҳаллий бюджет имкониятларидан келиб чиқиб, маданият уйларига 3-4 тадан штат ажратишга ёрдам бериши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, маданият марказларида янги тўғрақлар очилапти, иш ҳажми ортаёпти.

Баҳром АШРАФХОНОВ, Молия вазири ўринбосари:

– Бўкага келиб кўрдик, Молия вазирлигининг бу ерларга қадами етмаган. Тепадан туриб иш юритилаверган экан. Тумандаги аҳолини кўриб, ичингидан ачиндим...

Ҳақиқатан ҳам юқорида айтилган муаммолар бор. Нафақат мусиқа мактабларида, балки болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ҳам аҳвол шу. Масалан, БЎСМда мураббий 900 минг сўм маош олса, мактабдаги жисмоний тарбия ўқитувчиси 1 миллион 600 минг сўм олади. Ўз-ўзидан мураббийларимиз мактабларга кетиб қолаётган экан. Бу масала бўйича алоҳида таклиф киритамиз. Аҳвол бундай қолдирилмайди. Молия вазирлиги зарур ёрдамни беради. Бир сўз билан айтганда, нима қилиш керак бўлса, қиламиз!

Мен ўзим 2004-2006 йилларда Молия вазирининг ижтимоий соҳа бўйича ўринбосари бўлганман. У пайтда тизим шундай эдики, бирон марта жойларга чиқиб, вазиятни ўрганишганимиз. Энди бу жараёнларни кўриб, рақамлар ортда инсон тақдирини турганини ҳис қилдим. Бундан буёғига ҳар бир рақам ва миқдорга алоҳида масъулият билан қарайман. Бўкадаги ишлар мен учун жуда катта сабоқ бўлапти.

Улугбек

МУҲАММАДИЕВ,

Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари:



– Биз бу ерда иш бошлаган кунимиздаёқ, энг аввало, туман аҳолисини кенг-роқ қамраб олишни ўзимиз учун мақсад қилиб қўйдик. Улар бу ташаббусга бош қўшмаса, хайрихоҳ бўлмаса, иш юрмайди.

Очиғи, дастлабки кунларда баъзилар бизни ҳушламай қабул қилди. Йўл, кўча ёриткичлари каби муаммолар ҳақида таънали гаплар ҳам эшитдик. "Маданият уйи қурган билан унга лой, тупроқ ва тунлари зимистон кўчадан ўтиб бориб, бу қанақа маданий дам олиш бўлади?" деган истеҳзоли гаплар ҳам бўлди. Биз бунга тайёр эдик. Шунинг учун ҳам қурилиш бошланган ҳар бир маданий уйга борадиган йўл тўлиқ асфальтланапти, замонавий ёриткичлар ўрнатилапти. Одамлар маданият саройларига обод йўللاردан, кўнгли равшан тортиб бориши керак-да.

Умуман, бу иш – мана шу ерда ўтирган ҳамма раҳбарлар учун имконият майдони. Ҳар ким қўлидан қандай иш келишини халқимизга мана шу ерда кўрсатади.

Биз бешта ташаббусни бир жойда тўла амалга оширадиган мажмуа барпо этишга ҳудуд танлаганимизда Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига энг кўп шикоятлар тушган, муаммолар тўпланиб қолган жойларни ажратиб олдик. Назиб этса, тез орада бу ҳудудларда катта ўзгаришлар бўлади. Мана, ҳозир, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан одамларнинг кайфияти ўзгарди, уларда хайрихоҳлик туйғуси пайдо бўлди. Ташаббусларнинг моҳиятини тушуна бошладилар.

Муаммолар ҳолатлар ҳам бор. Биз бу ҳақда Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда алоҳида таклиф ишлаб чиқаямиз. Яъни, спорт тўғрақлари очилапти. Бу ерда яхши мураббийлар, тўғма истеъодлар бор экан. Аммо, олий маълумотлиси йўқ. Эндики вазият уларни тавсиялар асосида сирдан ўқитиб, олий маълумотли қилишни тақозо этапти...

Сирожиiddин САЙИД,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири:



– Бўкада бошланган бу ишлар мамлакатимиз ҳаётида янги даврни бошлаб берапти, десак муволаф бўлмайди. Биз қалам аҳлини ёзилмаган дostonларимиз, шеърларимиз кутиб турар, аммо юз-

ма-юз мулоқотни, учрашувларни куттиролмаймиз. Кеча бир гуруҳ шоиру ёзувчилар Меҳрибонлик уйда учрашув ўтказдик. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ўша маскан тарбияланувчисининг бир сатридан жунбишга келиб йўғлади: "Дунё бозорда меҳр бунча кам..."

Бўлаётган бу ишлар Ўзбекистонимизда меҳр кам эмаслиги, давлат ҳамиша халққа елка туттишга шай эканидан далолатдир.

(Шоир ўз сўзи давомида Озод Шарифиддиннинг қитобонлиги ҳақидаги фикрларини келтирди. "Китоб олин" шеърини ўқиб берди, мазкур жараён ҳақида янги бир дoston ёзишни режалаштираётганини айтиди).

Беш ташаббуснинг илк хулосаси:

Қучоқ очиб халқ ичига БОРАЙЛИК!



Комил АЛЛАМЖОНОВ,

Президент Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори:

риш учун асосий марказ, барчасини ўзида жо қиладиган жой, барибир мактаб. Шунинг учун асосий кунни мактабларга ташлаш керак.

Қолаверса, ҳамма ишлар моддий қўллаб-қувватлашга, маблағга келиб тақалади. Шунинг учун молия вазирлигининг барча ходимлари келиб жараён қайнаётган реал ҳаётни кўриши керак, деб ҳисоблайман.

Биз туманнинг барча ҳудудларида қурилиш қутилаётган кутубхоналар учун лойиҳани ишлаб чиқишда объектнинг максимал даражада арзон ва қулай бўлишига аҳамият бераймиз.

Шерзод ШЕРМАТОВ,

Халқ таълими вазири:



– Очиғи, Бўкага келиб, ишни ташкил қила бошлаганимизда, аҳолининг кайфияти унча яхши эмас эди. Аммо, мактаб ўқитувчилари ва директорларнинг кайфияти аъло даражада эканини кўрдик. Чунки, уларнинг маошлари Президентимиз томонидан оширилди. Жамиятимизда ўқитувчининг мавқеи, обрўси юксалди.

Эндиликда бешта ташаббус

Фуломжон ИБРАГИМОВ, Тошкент вилояти ҳокими:

– Бу кунлар Тошкент вилояти учун тарихий палла. Вилоятимиз тарихида Президент Администрациясининг барча хизматларидан масъуллар, вазирлар, ташкилот ва идоралар раҳбарлари келиб, ишни ташкил қилишга бевосита бош бўлишмаган. Бундай воқеалик фақат Президент таширидан аввал кузатилади эди. Ҳаммаларингизга раҳмат, шундай эзу ишларда шахсан қатна-

шиб, ишнинг бошида туриб-сиз. Бўкада бўлаётган ўзгаришлар вилоятимиз аҳлини ғурурлантирмокда. Вилоятдаги барча туман ва шаҳарлар ҳокимлари Бўкага келиб, кўриб, ўрганиб кетиш истагини билдиришмокда. Аҳоли катта қизиқиш ва ҳайратланиш туйғуси билан бу ўзгаришларни кутиб олаяпти. Вилоят ҳокимлиги томонидан нима ёрдам керак бўлса, албатта,

бажарамиз. Дастлабки босқинда ишларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетдан 10 миллиард сўм маблағ ажратамиз. Вазиятдан келиб чиқиб, бу рақамлар яна ўзгариши мумкин. Бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш учун навбатдаги манзиллар – Окқўрғон, Пискент, Қуйи Чирчиқ туманлари белгиланган. У жойларда ҳам ҳозирнинг ўзида ишлар бошлаб юборилди...



Мухтасар айтганда, дастлабки натижалар сарҳисоби ва галдаги вазифаларга бағишланган чуқур таҳлилий, айна пайтда, самимий тус олган мулоқот тафсилотлари асосан ана шулардан иборат бўлди. Бўкада ҳаёт кизгин, манзара соат сайин ўзгарапти. Ҳокимиятга, секторлар штабига борсангиз, лойиҳачилар ва ижрочиларнинг кизгин баҳс-муҳокаmaları устидан чиқасиз. Мактабларда, маҳаллаларда адабий учрашувлар, спорт тўғрақларида эса жисмоний тарбия ва оммавий спорт мусобақалари ўтказилмокда. Хуллас, жараён кизгин, вақт тигиз.

Юқоридаги тафсилотлар бугун Бўкада бўлаётган ишлар ҳақида тугалроқ тасаввур ҳосил қилиш учун батафсил ёзилди. Биз уч кун аввалги мажлис шарҳини ёзиб, чоп этганимизча, тонг отди, янги кун бошланди. Бўканинг манзараси яна анча ўзгарди, баъзи рақамларнинг ноллари ҳам кўпайди...

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди

Мамлакатларимиз автомобиль ва темир йўлларда юк ва йўловчи ташишда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар

дош ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароитини салмоқли даражада яхшилаш, трансчегаравий иқтисодий алоқалар ва гуманитар алмашинуларни жонлантириш, фуқаролар

Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти

аҳамият касб этмоқда. "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 15 апрель кунини Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий очилиш маросими бўлди.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАР

учун ҳам транзит вазирасини ўтамоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларидан ташқи савдо юкларини ташишда ўзаро преференциялар ва қўшимча имтиёзлар жорий этилгани савдо ҳажмини сезиларли ошириш имконини бермоқда.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш, шунингдек, ўтказиш пунктларининг самарали фаолиятини таъминлаш жараёни муваффақиятли давом этаётгани, бу икки мамлакат чегара

нинг ўзаро таширларини фаоллаштиришга хизмат қилганини мамнуният билан қайд этдилар.

Музокараларда транспорт, логистика, саноат кооперацияси соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, мамлакатларимизнинг экспорт салоҳияти ва транзит имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшимча чоратadbирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Қосим-Жомарт Тоқаев Қўшма баёнотни имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев 2017 йилда олий даражадаги мулоқотлар сўнггида 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилини ўтказишга келишиб олган эди.

Бу халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тарихида ноёб воқеа сифатида қардошлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаев маросимда нутқ сўзладилар. Давлат раҳбарлари Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида фаоллашган маданий-гуманитар алоқалар халқларимизни янада яқинлаштирганини таъкидладилар. Мазкур йирик тадбир халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, азалий дўстликни улуг'лашдек муштарак мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутишини қайд этдилар.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.



Нурафшон шаҳрида Олий мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда асосий эътибор жамоат фонди эълон қилаётган давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат гранти танловларида вилоятимиздаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини таъминлаш ва амалий ёрдам бериш, комиссия фаоллигини ошириш ҳамда шу кунгача танловларда иштирок этиб келаётган ташкилотларнинг фаолиятини чуқур таҳлил қилиш масалаларига қаратилди.

□ ИМКОНИЯТ

Вилоят ҳокимлигининг вилоятимиздан 15 та ННТ болиб бўлди ва 421 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ қўлга киритилди. Албатта, бу кўрсаткич чегараланмай, янада фаол бўлишга ҳаракат қиламиз.

Шунингдек, Қибрай туманидаги "Дўстлик" маҳалласи раиси, давлат гранти болиби К. Жўрабекова бу каби танловларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, қўлга киритган маблағи ҳисобидан маҳалладаги аёлларни иш билан таъминлагани ва келгуси режалари ҳақида гапирди.

Йиғилишда 2019 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги

вилоятимиздан 15 та ННТ болиб бўлди ва 421 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ қўлга киритилди. Албатта, бу кўрсаткич чегараланмай, янада фаол бўлишга ҳаракат қиламиз.

Шунингдек, Қибрай туманидаги "Дўстлик" маҳалласи раиси, давлат гранти болиби К. Жўрабекова бу каби танловларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, қўлга киритган маблағи ҳисобидан маҳалладаги аёлларни иш билан таъминлагани ва келгуси режалари ҳақида гапирди.

Йиғилишда 2019 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказиладиган танловларда фаол иштирок этиб, вилоят нуфузини кўтариш, грант лойиҳаларини мукамал тайёрлаш бўйича ҳудудий семинар-тренинглар ташкил этиш, бунда асосий эътиборни 4-танловга қаратиш, яъни танловларга миллий-маданий марказларни кўпроқ жалб этиш ва шу орқали уларнинг моддий негизини мустаҳкамлаш масалалари қўриб чиқилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Дарвоқе, давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат гранти биринчи танлови 30 апрелга қадар давом этади.

Эрали НОРБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Р. МИРАҚУЛОВ
олган суратлар

Эшитмадим, □ деманглар!

ДИҚҚАТ,
«АУТО СОН»
МОСЛАМАСИГА
ТУШИБ ҚОЛМАНГ!



Вилоятимиз ҳудудида жойлашган автомобиль йўлларидан махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўриб бир йилдан ортиқроқ вақтдан буён онлайн режимида ишламоқда.

Бу муддат ичида ушбу фоторадарлар орқали 95 минг 732 та қондабузарлик аниқланди. Ушбу аниқланган қондабузарликлар юзасидан жарималарни ўз вақтида тўламаган, белгиланган талабларга беписанд қараган 17 минг 254 автомобиль ҳайдовчисида жарималарни ундириш чоралари қўрилмоқда. Шу мақсадда қарздорлар учун "АУТО СОН" мосламаси ишга туширилди.

Айни пайтда жойларда Мажбурий ижро бюроси ходимлари билан ҳамкорликда махсус рейдлар ташкил этилиб, мазкур мослама ёрдамида қарздор ҳайдовчилар аниқланиб, шу жойнинг ўзида ташкил этилган сайёр кассалар ёрдамида жарималар ундирилмоқда. Жумладан, Зангиота, Тошкент, Янгийўл ва Юқори Чирчиқ туманларида олиб борилган рейдлар давомида қарздорлиги аниқланган 429 транспорт воситасидан 93 миллион 458 минг сўмдан ортиқ жарима ундирилди.

Шунингдек, жаримани тўламаган 94 нафар ҳайдовчининг транспорт воситалари тўловни амалга оширишга қадар, жарима майдонларига жойлаштирилди.

Рустам АСҚАРОВ,
вилоят ИИБ ЙҲХБ
матбуот гуруҳи
инспектори

□ Билиб қўйган яхши



Жамоат жойларида қуйидагилар тақиқланади:

- тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, шунингдек, чилим ва электрон сигареталар чекиш;
- ўқитиш сўзлар билан сўқилиш,

ДАСТУРЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАЙДИ

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида биноан, "18 апрель – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ходимлари кўни", деб белгиланган. Сана арафасида Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Г. Норматов билан вилоятда амалга оширилган ва режалаштирилган вазифалар хусусида суҳбатлашдик.

□ Эл хизматида



356 та (Ангрэн 46, Бекобод 81, Охангарон 18, Олмалик 58, Нурафшон 47, Чирчиқ 42, Янгийўл 64) кўп қаватли уйни 41,1 млрд. сўм (шундан 26,1 млрд. сўм, ҳашар маблағлари 5,3 млрд. сўм, ташаббускор тадбиркорлар маблағлари 9,3 млрд. сўм, маҳаллий бюджет ҳисобидан 330 млн. сўм)га жорий ва мукамал таъмирлаш учун "Манзилли дастур" ишлаб чиқилди ва ишлар бошлаб юборилди.

"Обод қишлоқ" дастури асосида танлаб олинган манзилга кўра, 6 та туманда 85 та (Бўстонлик 5, Пискент 25, Ўрта Чирчиқ 9, Қуйи Чирчиқ 25, Қибрай 25, Янгийўл 12) кўп қаватли уйни 6,9 млрд. сўмга

жорий ва мукамал таъмирлаш учун "Манзилли дастур" ишлаб чиқилди.

– Иссиқлик таъминоти ниятида борасида бажарилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз?

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 январдаги баёни асосида, "Тошкент вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармаси"нинг 5 фоизли имтиёзли кредитлари асосида, иссиқлик тизими мавжуд бўлмаган кўп қаватли уйлarning хонадонларига 2018 йилда 3 минг 500 донга икки контурли иситиш қозони ўрнатилган бўлса, 2019 йилда режадаги 6 минг 640 донга худди шундай қозон ўрнатиш бошланган. Иссиқлик таъминоти мавжуд бўлмаган 2 минг 141 та кўп қаватли уйдан мингтасига локал қозонхоналарни босқичма-босқич мақбул иситиш тизимларига ўт

казиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш (43,6 млрд. сўм) учун бошқармаиш томонидан шаҳар ва туман ҳокимлари билан биргаликда, манзилли рўйхат шакллантирилди. Шунингдек, эскирган ва яроқсиз ҳолга келиб қолган марказлаштирилган локал иситиш қозонлар модернизация қилинади.

Жорий йилда зиммаишга катта вазифалар юкланган. Уларни бажаришга барча соҳа ходимлари бирдек масъулмиз. Фурбатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни касб байрамлари билан табриклияман. "Тошкент ҳақиқати" мухбири Фуломжон МИРАҚУЛОВ ёзиб олди

ТЕЗРОҚ УЛҒАЙГИСИ КЕЛАР УЛАРНИНГ

Бўка туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабида беш муҳим ташаббус доирасида адабиёт ва санъат соҳасининг таниқли вақиллари билан ижодий учрашув ташкиллатирилди.

□ Соғиниб кутилган учрашувлар

Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Темур Убайдуллаев, Норкул Бекмирзаев, Рустам Мирвоҳид, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти Фарид Умарова, вилоят Ахборот ва оммавий комму



никациялар бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева-лар иштирок этди. Тадбирда мамлакатимизда, хусусан, Бўка туманида бажарилаётган хайрли ишлар, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларга юқори эътибор қаратилаётгани ҳақида сўз борди. Ёзувчилар ўқувчиларни ижод намуналаридан баҳраманд қилишди, санъаткорлар эса саҳна асарларидан эпизодлар намойиш этишди.

Ёш қалбларда ўқиш ва излашга иштиёқ, келажакка умид уйғотган ушбу учрашув уларнинг олға қадам ташлашига муҳим туртки бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

ЎЗ мухбиримиз

Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар

БЕРГАНДА ИНТИЛИБ ОЛИШ ШАРТ



Нурафшон шаҳрида Олий мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда асосий эътибор жамоат фонди эълон қилаётган давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат гранти танловларида вилоятимиздаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини таъминлаш ва амалий ёрдам бериш, комиссия фаоллигини ошириш ҳамда шу кунгача танловларда иштирок этиб келаётган ташкилотларнинг фаолиятини чуқур таҳлил қилиш масалаларига қаратилди.

□ ИМКОНИЯТ

Вилоят ҳокимлигининг вилоятимиздан 15 та ННТ болиб бўлди ва 421 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ қўлга киритилди. Албатта, бу кўрсаткич чегараланмай, янада фаол бўлишга ҳаракат қиламиз.

Шунингдек, Қибрай туманидаги "Дўстлик" маҳалласи раиси, давлат гранти болиби К. Жўрабекова бу каби танловларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, қўлга киритган маблағи ҳисобидан маҳалладаги аёлларни иш билан таъминлагани ва келгуси режалари ҳақида гапирди.

Йиғилишда 2019 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги

вилоятимиздан 15 та ННТ болиб бўлди ва 421 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ қўлга киритилди. Албатта, бу кўрсаткич чегараланмай, янада фаол бўлишга ҳаракат қиламиз.

Шунингдек, Қибрай туманидаги "Дўстлик" маҳалласи раиси, давлат гранти болиби К. Жўрабекова бу каби танловларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, қўлга киритган маблағи ҳисобидан маҳалладаги аёлларни иш билан таъминлагани ва келгуси режалари ҳақида гапирди.

Йиғилишда 2019 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказиладиган танловларда фаол иштирок этиб, вилоят нуфузини кўтариш, грант лойиҳаларини мукамал тайёрлаш бўйича ҳудудий семинар-тренинглар ташкил этиш, бунда асосий эътиборни 4-танловга қаратиш, яъни танловларга миллий-маданий марказларни кўпроқ жалб этиш ва шу орқали уларнинг моддий негизини мустаҳкамлаш масалалари қўриб чиқилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Дарвоқе, давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат гранти биринчи танлови 30 апрелга қадар давом этади.

Эрали НОРБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Р. МИРАҚУЛОВ
олган суратлар

ДАВЛАТ ВА ОАВ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШИ КЕРАК

Пойтахтимиздаги "Сити Палас" меҳмонхонасининг анжуманлар залида Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда "Давлат дастурларининг амалга оширилишида жамоатчилик назоратини ўрнатиш: журналистлар ҳамда давлат ҳокимияти органларининг манфаатли ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида республика анжумани бўлди.

□ Анжуман

Унда ҳудудлардаги ҳокимият ахборот хизматлари раҳбарлари, босма ва онлайн нашрларнинг бош муҳаррирлари ҳамда блогерлар иштирок этди.

Анжуманда сўз олганлар "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасидаги ислохотларни ОАВ

орқали жамоатчиликка самарали етказиш, журналистлар ҳамда давлат ҳокимияти органларининг манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш, босма нашрларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда ҳуқуқий маъзуларни ёритишда журналистларнинг билим ва кўникмаларини юксалтиришга оид маъзуларда маъруза қилдирилди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

ЎЗ мухбиримиз

АНИКЛИК КИРИТАМИЗ

Газетамизнинг 2019 йил 6 апрель сониди эълон қилинган "Термиздан таралимиш наволар" номли мақолада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов "Тўғай" фольклор-этнографик ансамбли баддий раҳбари деб ёзилган ва манзил сифатида Охангарон тумани кўрсатилган. Санъаткор аслида Охангарон шаҳар маданий бўлими қошида фаолият юритадиган "Қурама" фольклор-этнографик халқ ансамбли билан ижодий ҳамкорликда ишлашгани маълум қиламиз.

Эълонлар

Имамов Мухитдин Ашурович номига берилган Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан А. Ортоқов КФЙ, "Дўстлик" ДФХУ, "Чортоқ" маҳалласи, Лойхавий кўчаси, 8-уйга тегишли бўлган барча кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шералиева Гулчеҳра Хатамовна номига берилган Тошкент шаҳри, Яхкасарой тумани, Конституция кўчаси, 52-уйга тегишли бўлган (серияси ТS № 0698548) (11:05:01:02:02:5597) бино, иншоотни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги гувоҳнома – кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 17 апрель кунини Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда кечаси ва эрталаб ёғиш мумкин, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 20-25 даража илқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғиш ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Қор қўчиши хавфи бор. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 8-13 даража илқ бўлади.

@haqiqatonline

У пайтларда ҳаёт жуда оғир эди. Урушдан ошу алангоҳ чиққан одамлар кун кўриш учун ўзини минг тарафга урган кезлар. Эрталаб ҳамма ўқишга, ишга кетади. Бўш вақт топилмиши, кун ўтказиш учун ҳамма ўлиб-тирилиб меҳнат қилади.

Менга ҳарф ўргатишга эса ҳеч кимнинг вақти бўлмаган.

Шу сабабданми, мени мактабга эрталоқ юборишга ҳаракат қилишган. Биринчи бор мактабга беш ёшимда борганман. Назаримда, бу боришим "қани, бир бориб кўрсинчи" қабилида кечган бўлса керак. Чунки, эслашимча, мактабга борганим кун, эрта тийрамоҳ бўлса ҳам, биринчи сентябрь эмас, оддий ўқув кун эди. Жуда бола кўринган бўлсам керак, Аскарон домла учинчи синфда ўқийдиган Саида опанини чақириб: "Янаги йил олиб келинглар!", деб жўнатиб юборган.

Олти ёшдан эса ўқиб кетдим.

Ҳар қандай ҳолатда китоб ўқирдим: дарслар оралиғидаги танаффус пайтларида, овқат еяётганда, меҳмонга борганда, тўй бўлаётганда (томнинг устига чиқиб ўқийверсан – сен билан бировининг иши йўқ!)... Ҳатто юриб кетаётганда ҳам, урилиб-сурилиб ўқийвердим.

Мол боқишга чиққанда ҳам, албатта, китоб кўтариб олардим.

Мол боқиб, китоб ўқиш энг қийин иш эди.

Экинзорлар орасидаги парча-пурча бўш жойларда қўй-эчкиларни боқардим. Ем бўлавериб, бу жойлардаги қўятлардан ҳеч вақо қолмаган. Жониворлар кўм-кўк бўлиб, яшнаб ётган экинга интилдилар. Уларни қайтариб, китобга кўз тикаман. Бирпасдан сўнг китобдан бош кўтариб қарасанг, улар пайкалнинг ўртасида экинни иштах билан еяётган бўлади. Югургилаб бориб қайтарасан, яна ўқишга тутинасан. Бир қарасанг яна... Бу ҳол тўхтовсиз такрорланади.

Уша пайтдаёқ яхши китоб билан учрашув мен учун байрам бўлган. Бировдан мактовини эшитганим китобни соғинганман.

Учинчи синфда ўқиб юганимда, бир қариндошимизникига меҳмонга бордик. Кўк рангли муқовасига галати кийимли, елкасига милтиқ осиб олган одамнинг сурати ишланган – "Робинзон Крузо" деган китобни тоқчада кўриб қолдим. Дарҳол олдим-да, бир бурчакка ўтириб ўқишга тутиндим. Кетадиган вақт етганда, китобдан қандай ажралшсин билмай, қўлимда ушлаб туравердим. Беришмади. Кутубхонаники экан, бунинг устига хонадон соҳибаси ўқийтган экан...

Бошлаб ўттиз-қирқ бет ўқиганим китоб юрсам ҳам, турсам ҳам ҳаёлимдан кетмайдиган бўлиб қолди.

◀ Бошланиши 1-бетда

Охири китобни излаб, қариндошларимизникига бордим.

– Э... – афсусланди улар, – кутубхонага топшириб юборибмиз-ку!

Мен у пайтлар расмона кутубхонани кўрмаган эдим.

Мактабимизда кутубхона йўқ, улар айтаётган кутубхона эса туман марказида – мен учун қўл етмас бир манзилда эди. Кутубхонага кириб, китоб олишимни тасаввур ҳам қилолмас эдим. Ахир, кўчадан кирган одамнинг қўлига китоб тутқазиб жўнавермасалар керак.

Бешинчи синфда ўқиб юганимда, мактабимизда ҳам кутубхона ташкил этиладиган бўлиб, бир юк машинада анчагина китоб олиб келинди.

Мана, зиммасига кутубхоначи ва-зифаси ҳам юкланган Тилаков муаллим кутубхона учун ахратилган

Мен ўрнча билмаман. Бирдан бахтим қора бўлади. Бир онда юрагимни тўлдирган бахт шу заҳотиёқ қовжиратганини ҳис қиламан.

Аммо, нимадандир умидворман. Домла ҳаққа – бунга англайди. У китобни "адашмадиммикан?" дегандай, яна бир бор варақлайди.

– Мана, ўзинг қара... Ўрнча.

Мен ҳам варақлайман. Кўз югуртираман. Нотаниш сўзлар...

Ҳафсалам пир бўлиб, китобни қайтараман.

– Фақат ўрнча китобларни юборишибди, – дейди бошқа бир-икки китобни варақлаб домла, – Битта ҳам ўзбекча китоб йўқ-а...

Ўқитувчи бу нодонларча ишни ўзи қилгандай жим қолади. Энди ўйлайман: бизни кимдир масҳара қилган – бўлмаса, бу ишга не ҳолат эди? Ёки тасодифан мансаб теккан бирор-бир амалдор тепадан кел-

шим керак.

У киши йўл-йўриқ кўрсатадилар. Бор йўғи, мактабдан "фалон жойдаги фалон синфда ўқийди", деган далолатнома керак экан. Бу китобни ўқимасам, осмон ерга ўйилиб тушадигандай эди. Ҳаётимда биринчи марта катта ишга қўл урдим. Менга етиб бўлмас осмондай туялган директор кабинетининг эшигини қоқдим. Директор бирпасда далолатнома ёздирди. Имзо қўйди. Мухр босди. Дарсдан кейин тўғри, кутубхонага қараб жўнадим. Мана, қўлимда "Робинзон Крузо"!

Ўқишга тутиндим: одатдагидай, танаффус пайтда, овқат еяётганда, подага чиққанда... Ҳатто юриб кетаётганда ҳам... урилиб-сурилиб, ўқийвердим. Икки кундан кейин китобни қайтариб олиб бордим. Яна китоб олдим...

Китобни тез ўқиб, тез қайтари-

Бошимни сарак-сарак қиламан:

– Йўқ, – Чой-пой ич, деб чақирсак, ово-зинг чиқмайди. Хавотир олдиқ. Юр, чой ичиб ол...

Мен ўқийтган китобимни олиб, онамга эргашаман.

Айвонда дастурхон ёзилган. Дастурхонда чою нон. Қатиқ. У пайтларда бошқача дастурхон бўлиши мумкин эмас. Пишиқчиликда яна мева-чева қўйилади. Қишда майи-зу туршак... Ҳафтада бир марта – бозор кун иссиқ овқат қилинади. Ҳамманинг уйда шунақа.

Дастурхон бошида ҳам китобни очиб қўяман. Икки кўзим унда. Онам менга аллақандай раҳми келиб, қараб-қараб қўяди.

– Нондан ол. Китобни кейин ўқирсан...

Куч билан китобдан кўз оламан.

Аммо ҳаёлим китобда. Ҳаёлим-

чим етиб-ет-май диган жуда кўп юмуш менинг ҳам зиммамда эди.

Бирор юмуш вақтида бажарилмаса, рўзгорнинг ингич-каси чўзилиб, аранг уланган ипи ўзилиб кетгудай бўлар – ҳафтада бир қайнайидиган "қора қозон"нинг ҳам қайнамай қолиши хавфи туғилар эди.

Шу сабаб, китоб ўқишим баъзан шовқин-суронли жанжал даражасига бориб етадиган драматик ҳолатлар билан бўлиниб туради.

– Усмон қани?! – деб қичқириб қолади кимдир.

Демак, қайсидир бир юмуш қилишни унутганман. Ё ўт ўриш эсимдан чиққан, ё тезак теришга бориш ҳаёлимдан кўтарилган, ё бирор топширик...

– Бунга китобдан бошқа иши йўқми?! – газабга миная овоз.

Негадир хўрланиб ташқари чиқаман. Тезроқ улгайишни истайман. Ушанда ихтиёрим ўзимда бўлади: хоҳласам китоб ўқийман, хоҳласам...

хоҳласам, яна нима қиламан? Йўқ, ёзувчи ёки шоир бўлишни орзу қилишга журъат етолмайман. Адиблар, ҳатто газеталардаги миттиги-на хабарнинг муаллифи менга бу дунёнинг одамларига ўхшамайдиган – аллақандай сеҳрли, олисдаги зот туюлади.

... Мен жуда инжиқ, сиркаси сув кўтармайдиган бола эдим. Катталарнинг шўхроклари тегажонлик қилишар, уларнинг бу ҳазил-хузул-лари жонимга теккан, охири қулоқни қоматга келтириб, чапанчасига сўқинар эдим. Қишлоқнинг содда одамлари эса менинг бу беадабликларимдан негадир роҳат қилиб қилишарди.

Аммо китоб билан мулоқот, ундан туғилган ўю ҳаёллар мени та-

моман ўзгаришга бошлайди. Бир кун аёл қариндошларимиздан бири менга қараб туради-да, ажиб бир тарзда ҳайрон қолади:

– Вой, мана бу ўзгарибди! Оғиргина бўлиб қолибди-я! Бекор-га китоб ўқимаётган экан-да!

Айвонда ўтирган, ҳовлида ивирсиниб юрган барча менга ўғирлиб қарайди. Мен индамайман. Қўлимдаги китобни бир четга қўйиб, сигирларнинг тағини тозалагани оғилхонага кириб кетаман. Шундан кейин менга негадир жигмга тегадиган ҳазиллар кама-яди.

Бировларни вақт улғайтиради. Мени, назаримда, мутолаа улғайтирган эди.

(Шоирнинг ҳеч қаерда эълон қилинмаган хотираларидан)

КИТОБГА ЗОР БОЛАЛИК



хонада китобларни эски шкафларга, столлар устига саришталапти. Мен очик деразадан китоблардан кўзимни узолмай томоша қилаялман. Бирдан кўзим "Робинзон Крузо"га тушади. Уша – кўк муқовасида да милтиқли одамнинг расми солинган китобнинг ўзи!

Мен жуда бегонаман. Бунга Тилаков сезади.

– Қайси китобга қараялсан?

"Робинзон Крузо"га имо қиламан. У китобни қўлига олиб, менга қарайди:

– Ўқийсанми?

– Ҳа, – дейман қутилмаган бахтдан шошиб. Вужудим бир онда фараҳбахш бахтга тўлганини туяман:

– Ҳа, ўқийман!

Домла китобни варақлайди.

– Ўрнча экан... Ўрнча биласанми?

ган буйруқни шу тариқа – "Бажардимми? Бажардим!" қабилида амалга оширганмикан? Кутубхона борми, бор! Тамом-вассалом!

Ҳозиргача ўз туққан халқига берарво мансабдорларни кўрсам, ўша ҳолат эсимга тушади.

Тилаков домла яхши одам эди. Бизга дарс бермаган бўлса ҳам, мени яхши танир: Нормурод тоғам билан жуда яқин – тез-тез ҳовлимизга бориб турар, айтишларича, урушда исиз йўқолиб кетган Норбой тоғам билан мактабда бирга ўқиган экан.

Менинг – ноғохон бегона юртда чўнтаги кесиб кетилган кимсадай – ночор туриб қолганимни кўриб, Тилаков домланнинг раҳми келади:

– Райондаги болалар кутубхонасида шу китоб бор, – дейди у киши.

– Сен ўша кутубхонага аъзо бўли-

шимдан кутубхоначи Норби хола нимандир англади. Энди бирваракайига учта-тўртта китоб берадиган бўлди. Бахтим чопди.

Ботир тоғам ўқишни битириб, кимсан – адабиёт муаллими бўлиб, уйга қайтди. Қайтганда ҳам, тўрт шакар халта тўла китоб билан қайтди. Китоблар бўш хонанинг бир бурчагига вақтинча қўйилди. Мен шу заҳотиёқ китобларни бир бошдан ўқишга тутиндим. Бу митти кутубхонада ўша пайтларда нашр қилинган деярли ҳамма китоблар: мумтоз ва замонавий шоир ва ёзувчиларнинг, мунаққидларнинг; ўша пайтда "қардош халқлар" деб атайдиганимиз қўшни адабиёт вакиллари; хорижлик муаллифларнинг асарлари бор эди.

Саноксиз уй юмушларидан бўшганимда, ўзимни шу хонага ураман. Шолча ҳам тўшалмаган қуруқ ерда ўтириб, ўқишга киришаман. Дунё унутилди.

Бир вақт уйдагилардан кимдир деразаданми, эшикдан хонага бош суқади:

– Э, шу ерда экан! – дейди у ҳовлидагиларга.

Мен ўзимга келаман. Нимадир дейман. Кўп гапиролмайман. Чунки, китоб ўқиганим сари ўзимнинг оғирлашиб бораётганимни, юрагимда аллақандай зил ўйлар пайдо бўлаётганини, атрофимдаги одамлар, кечаётган воқеалар бошқача туюлганини ҳис қиламан.

Деразада онам пайдо бўлади. У киши менга синчиклаб қарайди.

– Бирор жойинг оғирмайтими? – дейди онам аллақандай бир тумани хавотирда.

да китобдан ўсиб чиққан аллақандай фикрлар...

– Эй, эй... – Бу Саида опанинг овози. – Мана бу қотиб қолди!.. Эй...

Ўзимга келаман. Онам билан онам жаранглаб қуладилар.

– Нимани ўйлаб қолдинг? – дейди онам.

Нимани ўйлаганимни тушунтириб беролмайман. Бу ҳолнинг – ўзига "чўкиб кетиш"нинг нималигини ҳали англамайман. Бу ҳолни – бир лаҳзада ўтирган жойингдан, тева-рагингдан ҳамма нарсадан ажратиб, аллақайларга оқизиб кетадиган – "илҳом" деб аталадиган бе-назир туйғу эканини ҳам ҳали туйганим йўқ...

Чой ичарканман, яна китоб ўқишга тутинаман. Дастурхон бошига кимдир келиб, кимдир кета-веради, қўшнилари чиқади. Аммо, мен уларни гира-шира кўраман. Уларнинг гаплари ҳам қулогимга кирмайди...

– Ишларинг қолиб кетди, болам!

Ишим кўп. Бир бола қиладиган ишдан кўра жуда кўп. Норозилигини янгириб, қўзғаламан.

У йилларда ҳовлимизда кўпчилик яшардик. Аммо, қизик бир вазият юзага келган – мол-ҳолга қарайдиган, майда-чуйда ишларни бажарадиган меҳдан бошқа дастёр йўқ эди. Меҳдан ёши катта тоғамлар ва акам шаҳарга ўқишга кетган, меҳдан кичикларнинг эса у-бу иш ҳали қўлидан келмасди.

Ҳаёт ҳам оғир – одамнинг умри бу қийинчиликлар билан тинимсиз курашдан иборат; ҳамма – катта-кичик тўхтовсиз меҳнат қилар: қу-

БИЗНЕС САЁҲАТ



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш Маркази вилоят бўлини маси ҳамкорликда мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун "Бизнес саёҳат" ташкил этишди.

Саёҳат давомиди 50 нафарга яқин ёшлар вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида фаолият

юритаётган турли корхона ҳамда ишлаб чиқариш фабрикаларида бўлишди.

Ёш саёҳатчилар дастлаб, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўзбегим отлари" заводида бўлиб, у ердаги наслик отлар, зотли тулпорларни кўпайтириш ва парваришlash жараёни билан танишди.

Навбатдаги манзилда улар Юқори Чирчиқ туманидаги

"Softgigienik" МЧЖда бўлишди. Келгусида тадбиркор бўлишни кўнглига тугиб қўйган ёшлар ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулотларнинг сифати ҳамда кадоқ-ланишини эътибор билан кузатишди.

– Бу ердаги иш жараёни жуда ёқди, – дейди коллеж битирувчиси Хуршида Абдуллаева.

– Корхонада асосан, болалар учун

тагликлар ишлаб чиқариш экан. Тикувчиликни яхши биламан, аммо тагликларни тикиш бир оз мураккаб экан. Шунга қарамай, тезда ўрганиб олдим.

Ёшлар "Бизнес саёҳат"дан бир олам таассуротлар билан қайтишди. Тарқалишдан аввал эса, кейинги сафар борадиган манзилларини ҳам режалаштириб олишди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш Маркази вилоят бўлини маси ҳамкорликда мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун "Бизнес саёҳат" ташкил этишди.

Саёҳат давомиди 50 нафарга яқин ёшлар вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида фаолият

юритаётган турли корхона ҳамда ишлаб чиқариш фабрикаларида бўлишди.

Ёш саёҳатчилар дастлаб, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўзбегим отлари" заводида бўлиб, у ердаги наслик отлар, зотли тулпорларни кўпайтириш ва парваришlash жараёни билан танишди.

Навбатдаги манзилда улар Юқори Чирчиқ туманидаги

"Softgigienik" МЧЖда бўлишди. Келгусида тадбиркор бўлишни кўнглига тугиб қўйган ёшлар ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулотларнинг сифати ҳамда кадоқ-ланишини эътибор билан кузатишди.

– Бу ердаги иш жараёни жуда ёқди, – дейди коллеж битирувчиси Хуршида Абдуллаева.

– Корхонада асосан, болалар учун

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш Маркази вилоят бўлини маси ҳамкорликда мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун "Бизнес саёҳат" ташкил этишди.

Саёҳат давомиди 50 нафарга яқин ёшлар вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида фаолият

юритаётган турли корхона ҳамда ишлаб чиқариш фабрикаларида бўлишди.

Ёш саёҳатчилар дастлаб, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўзбегим отлари" заводида бўлиб, у ердаги наслик отлар, зотли тулпорларни кўпайтириш ва парваришlash жараёни билан танишди.

Навбатдаги манзилда улар Юқори Чирчиқ туманидаги

"Softgigienik" МЧЖда бўлишди. Келгусида тадбиркор бўлишни кўнглига тугиб қўйган ёшлар ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулотларнинг сифати ҳамда кадоқ-ланишини эътибор билан кузатишди.

– Бу ердаги иш жараёни жуда ёқди, – дейди коллеж битирувчиси Хуршида Абдуллаева.

– Корхонада асосан, болалар учун

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш Маркази вилоят бўлини маси ҳамкорликда мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун "Бизнес саёҳат" ташкил этишди.

Саёҳат давомиди 50 нафарга яқин ёшлар вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида фаолият

юритаётган турли корхона ҳамда ишлаб чиқариш фабрикаларида бўлишди.

Ёш саёҳатчилар дастлаб, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўзбегим отлари" заводида бўлиб, у ердаги наслик отлар, зотли тулпорларни кўпайтириш ва парваришlash жараёни билан танишди.

Навбатдаги манзилда улар Юқори Чирчиқ туманидаги

"Softgigienik" МЧЖда бўлишди. Келгусида тадбиркор бўлишни кўнглига тугиб қўйган ёшлар ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулотларнинг сифати ҳамда кадоқ-ланишини эътибор билан кузатишди.

– Бу ердаги иш жараёни жуда ёқди, – дейди коллеж битирувчиси Хуршида Абдуллаева.

– Корхонада асосан, болалар учун

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш Маркази вилоят бўлини маси ҳамкорликда мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун "Бизнес саёҳат" ташкил этишди.

Саёҳат давомиди 50 нафарга яқин ёшлар вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида фаолият

юритаётган турли корхона ҳамда ишлаб чиқариш фабрикаларида бўлишди.

Ёш саёҳатчилар дастлаб, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўзбегим отлари" заводида бўлиб, у ердаги наслик отлар, зотли тулпорларни кўпайтириш ва парваришlash жараёни билан танишди.

Навбатдаги манзилда улар Юқори Чирчиқ туманидаги

"Softgigienik" МЧЖда бўлишди. Келгусида тадбиркор бўлишни кўнглига тугиб қўйган ёшлар ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулотларнинг сифати ҳамда кадоқ-ланишини эътибор билан кузатишди.

– Бу ердаги иш жараёни жуда ёқди, – дейди коллеж битирувчиси Хуршида Абдуллаева.

– Корхонада асосан, болалар учун

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш Маркази вилоят бўлини маси ҳамкорликда мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун "Бизнес саёҳат" ташкил этишди.

Саёҳат давомиди 50 нафарга яқин ёшлар вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида фаолият

юритаётган турли корхона ҳамда ишлаб чиқариш фабрикаларида бўлишди.

Ёш саёҳатчилар дастлаб, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўзбегим отлари" заводида бўлиб, у ердаги наслик отлар, зотли тулпорларни кўпайтириш ва